

Journal of Natural Science

*No1 (6)
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Насимов А– СамДУ к.ф.д., профессор8. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор9. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц10. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.11. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.12. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф13. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.14. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц15. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.16. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц17. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.18. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)19. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц20. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)21. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц22. Муминова Н-к.ф.н., доц23. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц24. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ МАЗМУН МОҲИАТИ**

Камолова Шохсанам Нуриддиновна -биология ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси

Исмоилова Домника- 1-босқич магистр

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, Ўқувчи ёшларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Ибн Сино илмий меросидан фойдаланишнинг мазмун моҳияти масалаларига боғлаб ёритилган.

Таянч сўзлар: соғлом турмуш тарзин, маънавий соғлом, баркамол авлод фикр, ғоя, қараш, ибрат–намуна фан,технология, ҳис-туйғулар, онг, одоб-ахлоқ, ибрат–намуна.

Аннотация: Данная статья является одной из актуальных тем и посвящена содержанию использования научного наследия Ибн Сины в формировании здорового образа жизни юных читателей.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, духовно здоровый, гармонично развитое поколение идей, идей, взглядов, образцов для подражания, науки, техники, эмоций, разума, нравов, образцов для подражания.

Annotation: This article is one of the topical issues and is devoted to the content of the use of the scientific heritage of Ibn Sina in the formation of a healthy lifestyle for young readers.

Keywords: healthy lifestyle, spiritually healthy, harmoniously developed generation of ideas, ideas, views, role models, science, technology, emotions, mind, morals, role models.

Ўзбекистон истиқлолини мустақамлашда ёшларни маънавий соғлом, баркамол авлод этиб вояга етказиш ва уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш бугунги кун давримиз талабига айланди. Таълим –тарбия жараёнидаги энг долзарб муаммо миллий қадриятларни, бой тарихий меросларимизни баркамол авлод илмий дунёқарашларига янада чуқурроқ сингдиришдир. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиш ва тараққиёт йўлига тушган бугунги куннинг истиқболи келажакни белгилаш кўп жиҳатдан ҳозирги ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга боғлиқ. Бу эса миллий тарбиямизнинг тарихий асосларини белгилашни ва улардан бугунги таълим–тарбия жараёнимизда

мосларини танлаб, ибрат–намуна қилиб кўрсатиш ижобий педагогик самараларни беради.

Жисмоний тарбия, хусусан ёшларни бўлгуси оилавий ҳётга тайёрлаш масаласи жуда мураккаб масаладир. Бу масала кенг кўламдаги ходисаларни ўз ичига олади, унда ҳис-туйғулар, онгга, жамият белгилаган одоб-ахлоқ нормаларига бевосита боғлиқ бўлади. Жинсий тарбия масаласи тарбиянинг ажралмас қисмидир. Ёшларни жинсий тарбиялашда, уларга оилавий ҳалтга тўғри йшланма беришда аввало ота – оналар, муаллимлар, кенг жамоатчилик катта жонбозлик кўрсатишлари зарур. Машҳур педагог А.С. Макаренко, “Жинсий тарбия аввало шахснинг ижтимоий маданиятини тарбиялашдир”, - деган эди.¹

Талабаларни буюк алломаларнинг ижодларига бўлган қизиқишларини янада мустаҳкамлаш борасида қомусий олим Абу Али ибн Сино асарларини ўрганиш баркамол авлоднинг илмий дунёқарашлари, фикрлаш фаолияти, ҳис-туйғу ҳамда ижобий сифатларининг шаклланишига таъсир этади. Сир эмаски қомусий олим Абу Али ибн Сино тиббиёт, риёзиёт фалақиёт, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бошқа кўплаб фанларни яхши билган. Унинг яратган шоҳ асарларидан нафақат Ўрта Осиё балки Европа мамлакатлари ҳам фойдаланиб келмоқда. Қомусий олим сифатида Абу Али ибн Сино таълим тарбия ахлоқ борасида ”Рисола фи илм ал-ахлоқ” (Ахлоққа оид рисола), ”Рисола фи ал-аҳд” (Бурч ҳақида рисола), ”Рисола фи тазкият ан-нафс” (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола), ”Сиёсат ал-бадан” (Баданни бошқариш), ”Китоб ал - инсоф” (Адолат ҳақида китоб), “Тадбир-ал-манозил” (Турар жойни бошқариш чоралари) каби бир қанча асарлар яратган.

Ибн Сино инсоннинг умумий фазилати кишиларда юз берадиган яхши ва ёмон хулқларнинг пайдо бўлиш сабабларини “Ахлоқ ҳақида рисола” асарида кўрсатиб ўтади. Олим бу асарда яхши ва ёмон хулқлар одамларнинг одатидан, ҳукумат аҳллариининг таъсиридан пайдо бўлишлигини таъкидлайди.

Ибн Сино ўзининг бир қанча рисоаларида адолатлилик, саҳийлик, шижоат, сабр, мулойимлик, иффат, қаноат, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, фаросатлилик, дўстлик, вафодарлик, камтарлик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради. Аллома киши ўзини покиза тутиш, одамлар билан муомала қилиш каби масалаларга тўхталади. Айниқса, нафсни покиза тутиши зарурлиги ва баъзи дунёвий лаззатлардан ўзини тия билиш,

¹ Талабаларда соллом турмуш тарзини шакллантириш 2010 йил 26 бет.

ичишнинг зарари ҳақида “Нафсни покиза тутиш тўғрисида”, “Қонун”, “Сиёсат ал-бадан” асарларида фикр юритади.

Абу Али ибн Синонинг ахлоқ ҳақидаги қарашлари унинг шоҳ асарлари бўлмиш “Тиб қонунлари”, ва “Аш-шифо” да ўз ифодасини топган.

Ибн Сино инсонларда бор бўлган адолат, покизалик, билимдонлик, иродалилик, эзгу ният, ҳиммат, саҳоват, шижоат сингари ижобий фазилатлар билан бирга алдамчилик, кўрқоқлик, иккиюзламачилик, хасислик, ўғрилиқ, ифвогарлик, ялқовлик, фисқу-фасод каби салбий ахлоқий иллатлар ҳақида ҳам фикр юритиб уларнинг ҳар бири тўғрисида ўз тушунчаларини ифода этади. Жумладан, “Жасурлик-бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги.

Чидамлилик-инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Зийраклик-сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват”, -деб таъриф беради.¹

Ибн Сино ўз асарларида инсонлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликка алоҳида аҳамият бериб, одамларни бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшашга, пасткашликка олиб келадиган адолатни йўқотишга чақиради.

Ҳар бир инсон ҳаётда ўз дўстига меҳрибон бўлиш, қўлидан келадиган ёрдамларни аямаслик, дўстидаги нуқсон ва камчиликлардан юз ўгирмаслик, аксинча уни йўқотишга ҳаракат қилиш кабилар ибн Синонинг асарларида кенг ўрин олган.

Ибн Сино таълимотига кўра, киши дўст тутинишининг уч хил йўли бор. Биринчидан, ҳар қандай қийинчилик бўлишига қарамай, киши ўз дўстини фалокатдан қутқаришини, иккинчисида, ғоявий якунлик ва дунёқарашлар умумий бўлган чинакам доимий дўстликни ва учинчисида эса кишининг мансаби, пули ёки мавқеига қараб ўзининг манфаатини қондириш кўзда тутилган дўстлик бўлади, - деб таъкидлайди Ибн Сино. Олим чин дўстни кўзгуга таққослайди. Чунки кўзгу кишининг ҳақиқий борлигини кўрсатади. Киши дўстидаги нуқсонларни ўз вақтида очиб ташламаса, рўй-рост гапирмаса, ўз дўстлик бурчини унутган бўлади. Шундай экан биз ўқувчиларни ҳақиқий дўст танлашга, уларни асраб-авайлашга, бирон ножўя иш қилганда камчиликларини ўз вақтида очиб ташлашга ўргатишимиз лозим.

Бунинг учун ўқувчилар ўртасида, дўстликни мустаҳкамлаш ҳақида суҳбатлар ўтказиш, дўстга очик муомала ва муносабатда бўлиш, тўғри тушуниш кўникмаларини шакллантиришимиз лозим. Бунда ўқитувчилар

2. Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим –тарбия тўғрисида Тошк ўқитувчи 1980й176

дўстликни, яхшиликни ва умуман, инсонпарварликни тарғиб этган Ибн Синонинг қарашларини ўқувчиларга тушунтиришлари мақсадга мувофиқдир.²

Абу Али ибн Синонинг комил инсонни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялаш ғояси, ахлоқ, таълим-тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари минг йиллар илгари ёзилган бўлса ҳам бугунги кунда фарзандларимизни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шуни айтиш керакки, Абу Али ибн Сино ўз ҳаёти ва фаолиятида доимо эзгуликка интилган комил инсон бўлган. Шу боис унинг номи доимо тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга ўтиб юраверади.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида бўлажак ўқитувчилар маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат–намуна муҳим роль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, она тупроқ, она Ватан, унинг тарихий илдизлари, бой миллий–маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим–тарбиянинг барча жабҳаларида узликсиз сингдириб боришимиз лозим.

Шунинг билан бирга ёшлар онгида миллат, миллий ахлоқ, миллий ғурур, миллий тарбия, миллий салоҳият, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи ва шу каби тушунчаларни сингдириб бориш ҳам уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда инсон камолоти учун миллий тарбиямизга хос бўлган меҳр–оқибат, ҳурмат–иззат, мурувват, ор–номус, бағрикенглик ва шу кабилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, миллий хусусиятларимизга мос тарбияни олаётган талабаларимиз мунтазам равишда камол топиб бораверади ҳамда уларнинг дунёқараши ҳам унга мос равишда юксалиб боради.

Умуман олганда, баркамол авлодни тарбиялаш, ўзининг маънавий–маърифий, ташкилий–услубий, ижтимоий–иқтисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли динамик жараёндир.

Ибн Синонинг тиббиёти ва унинг комил инсонни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялаш ғоясидан бўлажак ўқитувчилар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитиш орқали фойдаланиш мумкин.

Миллий–маънавий қадриятларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар тайёрлаш, уларни ёшларимиз онгига сингдиришга қулай ҳолга келтириб, яъни ахборот кўринишдаги тизимларга (қомусий ва ҳадис илми олимлари, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, файласуфлар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари,

³У.Маҳкамов”Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари!,”фан”1995й496

тарбиявий аҳамиятга эга бўлган расм–русумлар ва урф–одатлар, анъаналар ва ҳ.к.) ажратиш;

Талабалар онгига шахс ижодий камолоти босқичларини илмий, маънавий қадрият сифатида сингдириш, уларни ижодий камолот сари интилишига туртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимликни ва комилликни ҳавас қилади.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. 2010 йил 26 бет.
- 2.Жонматова Ҳ.Абу Али ибн Сино таълим –тарбия тўғрисида Тошкент.Ўқитувчи 1980й176
- 3.У.Маҳкамов. “Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари”фан”1995й .
- 4.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ, Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 5.Shirin Kamolova, THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)
- 6.Shirin Kamolova, ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (январь)
- 7.Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)
8. Kamolova Shohsanam Nuriddinovna Pulatova Nazira: Characteristics of Environmental Education Issues in Avesto; International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences. 2022y
9. Kamolova Shohsanam Nuriddinovna Fayziyeva Sojida; “FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES”. ONOSMA TURKUM O‘SIMLIKLARINI SAQLAB QOLISHNING O‘ZIGA HOS XUSUIYATLARI; Italiya 2022y
10. Kamolova Shohsanam Nuriddinovna, M.Y. Arakulova; “INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2021”. ТАЛАБАЛАР КОМПЕТЕНТЛИК

ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. Т.2022y

11. Kamolova Shohsanam Nuriddinovna;” Ta’lim va inovatsion tadqiqotlar”,
Barkamol avlodni tarbiyalash pedagogik muammo sifatida. Т.2021y

12. Kamolova Shohsanam Nuriddinovna; Husanova F; “Zamonaviy psixologiyada
muammo va yechimlar”, “Psixologiya tarixi fanlarini o’qitishda Al Buxoriy
hadislari”. Т.2021y

13. Kamolova Shirin O’sarovna; Kamolova Shohsanam Nuriddinovna; Интернаука,
“Проблема расширения и развития научного мировоззрения”Т. 2021y